

ЧЕТ ТИЛИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ЯНГИ МЕХАНИЗМИ ЖОРИЙ ЭТИЛМОҚДА



Халқ таълими вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1875-сонли қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган кенг қамровли фаолиятнинг асосий йўналишларидан бири умумтаълим мактабларида фаолият кўрсатаётган кўп минг сонли чет тили ўқитувчиларининг касбий маҳоратини ошириш орқали чет тилларини ўқитиш савиясини янги сифат босқичига кўтаришдир.

Мазкур йўналишда вазирлик ташаббуси билан умумтаълим муассасалари чет тиллари ўқитувчиларининг касбий маҳоратини ошириб бориш бўйича туман (шаҳар)лардаги таянч мактаблар негизида ҳар ҳафталик курсларни ўтказишга асосланган ўқитувчилар малакасини узлуксиз такомиллаштириб боришнинг янги механизминини жорий этиш ишлари бошлаб юборилди.

Чет тили ўқитувчилари касбий салоҳияти ва педагогик маҳоратини такомиллаштиришнинг мазкур механизми педагог кадрлар малакасини оширишга мутлақо янгича ёндошувни, яъни уларни ўз иш жойларидан ажралмаган ҳолда махсус тайёрланган ўқитувчи-тренерлар устозлигида доимий асосда фаолият кўрсатувчи ўқув курсларида таълим олишларини назарда тутди.



Доимий асосда фаолият кўрсатувчи ўқув курслари

Республикаимизнинг ҳар бир тумани(шаҳри)да ташкил этиладиган жами **550** та таянч мактаблари негизда фаолият кўрсатади. Тегишли ҳудуддаги умумий ўрта таълим муассасаларининг чет тили ўқитувчилари ҳар ҳафтанинг ўзлари устида мустақил ишлашлари учун ажратилган методика кунларида халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган дастур асосида ташкил этиладиган ўқув машғулотларида ўз билим, кўникма ва малака савияларини такомиллаштирадилар.

Мазкур малака ошириш курсларининг мақсади чет тили ўқитувчиларининг тилни ўқитиш бўйича амалий кўникмаларини, айниқса чет тилини бошланғич синфларда ўқитиш маҳоратларини ошириш орқали давлатимиз томонидан улар учун яратилган имтиёزلардан тўлиқ фойдаланиш, яъни ойлик маошларига белгиланган устамаларни олиш учун жорий этилган синовларга тайёрлаш ва натижада чет тилини замон талаблари даражасида ўқита оладиган ўқитувчилар сафини кенгайтиришдир.

Замон талаблари даражасида ўқитиш маҳоратини эгаллаган ўқитувчилар кўламининг ортиши, шубҳасиз, умумтаълим мактабларида чет тилини ўқитиш сифат ва самарадорлигини ортишига олиб келади.

Чет тили ўқитувчиларининг малакасини оширишнинг янги механизми ҳар бир тумандан танлаб олинган юқори малака ва тажрибага эга бўлган ўқитувчиларни алоҳида дастурлар орқали тренер сифатида махсус тайёргарликдан ўтказиш ва мазкур ўқитувчилар ёрдамида ҳар бир ҳудуддаги таянч мактаблари негизда ташкил этиладиган доимий тарзда фаолият кўрсатувчи малака ошириш курсларида мазкур ҳудуддаги мактабларнинг чет тили ўқитувчилари касбий маҳоратини такомиллаштириб боришни кўзда тутати.

Бундай курсларнинг ташкил этилиши чет тили ўқитувчиларига ўз яшаш ва ишлаш жойларидан ажралмаган ҳолда малака ошириш, курс машғулотларида олган янги билимларини эртаси куни ўз мактабларида амалда қўллаш, педагогик амалиётда дуч келаётган муаммоларни устоз-ўқитувчи ва курсда таҳсил олаётган ҳамкасблари билан ҳамкорликда бартараф этиш ва ўзини тайёр деб ҳисоблаган вақтда ойлик маошига жорий этилган устамаларни олиш учун синовларда қатнашиш имкониятини яратади.

Чет тили ўқитувчилари малакасини оширишнинг мазкур механизмини жорий этиш учун ўзига хос тайёргарлик ишлари амалга оширилди. Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги А.Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти профессор-

Ўқитувчилари томонидан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ва бошқа ихтисослашган таълим муассасалари мутахассислари билан ҳамкорликда мазкур малака ошириш курсларининг ўқув режа ва дастурлари, ўқитувчилар учун услубий қўлланма ва дарс ишланмалари, дарсларни ўтказиш учун аудио ва видео ресурслар, тингловчилар билимини синаш учун материаллар ишлаб чиқилди.

Худудлардаги таянч мактаблари негизида ҳар йили 2 босқичдан иборат тарзда ўтказиладиган малака ошириш курсларининг сифат-самарадорлиги кўп жиҳатдан улардаги дарс машғулотларини олиб бориш масъулияти юклатиладиган устоз ўқитувчилар яъни тренерларга боғлиқ. Шунинг учун ҳам ҳар бир босқич ўқувлари аввалида уларни махсус тайёргарликдан ўтказиш кўзда тутилган.

А.Авлоний номидаги Марказий институтда жорий йилнинг 26 январида бошланган умумтаълим муассасалари чет тиллари ўқитувчиларининг касбий маҳоратини ошириб бориш бўйича туман (шаҳар)лардаги таянч мактаблар негизида ҳар ҳафталик курсларни ўтказиш учун тренерларни тайёрлаш мақсадли курси ана шу тайёргарликнинг дастлабки босқични бошлаб берди. Бир ҳафта давомида 36 соатлик ўқув дастури асосида тайёргарликдан ўтказилган **760** нафар тренер ўқитувчиларга худудлардаги малака ошириш курсларида дарс машғулотларини олиб бориш ҳуқуқи берилади.

Мазкур тренинглarda ўз устозлик маҳоратларини оширган тренерлар худудларига қайтиб борганларидан сўнг жорий йилнинг 1 мартидан бошлаб бир вақтнинг ўзида **21 минг**дан зиёд чет тили ўқитувчиларининг малакасини доимий тарзда ошириб боровчи курслардаги ўқув машғулотлари бошланиб кетади.

Махсус курсда тайёргарликдан ўтган тренер-ўқитувчиларнинг фаолияти ва мазкур фаолият натижалари, яъни худудда фаолият кўрсатаётган чет тили ўқитувчиларининг касбий маҳоратининг ўсиши вазирликнинг доимий диққат марказида бўлади. Тренер ўқитувчиларга А.Авлоний номидаги Марказий институт ва худудий халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтлари томонидан доимий тарзда зарур методик ёрдам кўрсатиб борилади.